



CONSIDERATION ABOUT THE SETTLEMENT OF THE RIGHT COAST AREAS OF KHARESM ANTIQUE PERIOD

Khikmatjon Palvanov

researcher

National University of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: palvanov_84@mail.ru

ABOUT ARTICLE

Key words: Uzunuy Plateau, the Sultan Uvays Mountain, Akchadarya riverbed, Kizilkum, Kaldirghoch Tail, The Gavkhura Channel, Kushon, Kangh, SHurakhan, Burj, Ark.

Received: 29.10.23

Accepted: 31.10.23

Published: 02.11.23

Abstract: In this article there are given some important consideration about about the settlement of the right coast areas of Kharesm Antique Period and the places like Kuykrilgankala, Ankakala, Jonboskala, Bozorkala, Kurghoshinkala, Big and Little Kirkkizkala, Ayazkala, Burlikala, Govurkala, Kizilkala and Tuprokkal located near the two big channels named Kaltaminor and Tozaboghyob in the right coast of The Amudarya River are also studied.

ХОРАЗМ АНТИК ДАВР ЎНГ СОҲИЛ МАНЗИЛГОҲЛАРИНИНГ ЖОЙЛАШИШ ЎРНИГА ОИД МУЛОҲАЗАЛАР

Хикматжон Палванов

Тадқиқотчи

Ўзбекистон Миллий университети

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: palvanov_84@mail.ru

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Узун уй пастлиги, Султон Увайс тоғи, Ақчадарё ўзани, Қизилкум, Қалдирғоч думи, Гавхура канали, Оташгоҳ, Кушон, Қанг, Шўрахон, Бурж, Арк.

Аннотация: Маколада Хоразм антик давр ўнг соҳил манзилгоҳларининг жойлашиш ўрни бўйича мулоҳазалар тўғрисида сўз юритилиб, Амударё ўнг соҳилидаги иккита йирик канал яъни Калтаминон ва Тозабоғёб каналлари яқинида жойлашган ёдгорликлар Қўйқирилганқалъя, Анқақалъя, Жонбосқалъя, Бозорқалъя, Қўроғшинқалъя, Катта ва кичик Қирққизқалъя, Аёзқалъя,

ГИПОТЕЗЫ ОТНОСИТЕЛЬНО РАЗМЕЩЕНИЯ ПОСЕЛЕНИЙ НА ПРАВОБЕРЕЖЬЕ ХОРЕЗМА В АНТИЧНОСТИ

Хикматжон Палванов

Исследователь

Национальный университет Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

E-mail: palvanov_84@mail.ru

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Низкий длинный дом, гора Султан-Увайс, русло Акчадарья, Кызылкум, контрфорс “Ласточкин хвост”, канал Гавхура, аташгах, Кушаны, Кангюй, Шорахан, бурдж, Арк.

Аннотация: В статье рассматриваются гипотезы относительно специфики размещения древнехорезмийских поселений на правобережье Амударьи, вдоль двух крупных каналов – Кальтаминар и Тазабагъяб. В частности, рассматриваются общие черты в расположении таких памятников, как Кой-кырылган-кала, Аннакала, Джанбаскала, Базаркала, Коргашинкала, большая и малая Кырккызыкала, Аязкала, Бурликала, Гяуркала, Кызылкала и Топрак-кала.

КИРИШ

Қадимги Хоразм истеҳкомли шаҳарларининг географик жойлашиши шундан далолат берадики, бу ерда воҳа чегара чизигининг саҳро томондан ҳимоя қилинган қалъаларнинг ягона тизими мавжуд бўлиб, шарқдан ғарбга қараб давом этган Жонбосқалъа, Бозорқалъа, Кўрғошинқалъа, Катта ва кичик Қирққиз, Аёзқалъа, Бурлиқалъа ва Тупроққалъалар ариқларининг охирларида каналлар ёқалаб чўзилған маданий ерлар чегарасида жойлашган бўлиб, бирини иккинчисидан туриб кўриш мумкин бўлган қалъаларнинг узлуксиз занжирини ҳосил қиласди.

Ёдгорликларнинг жойлашишини Амударё бўйларининг жанубий худудларидан шимолга томон йўналтирамиз. Антик даврда Амударё ўнг сохилида иккита йирик канал яни Калтаминар ва Тозабоғёб каналлари мавжуд бўлиб, Амударё орқали сув билан таъминланган. Калтаминар канали жанубий-шарқий худудда жойлашган бўлиб, ундан Бозорқалъа ирмоғи ажralиб чиқкан. Калтаминар каналининг шимолга томон йўналишида илк антик давр ёдгорлиги Кўйқирилганқалъа жойлашган[1].

АСОСИЙ ҚИСМ

Кўйқирилганқалъадан шимолда Анқақалъаа ёдголиги жойлашган, унинг тарҳи квадрат (75x75 м) икки қаторли мудофаа девор билан ўраб олинган. Деворда тўрт бурчакли,

бурчакларда эса квадрат буржлар жойлашган бўлиб, уларнинг сони 9 та. Мудофаа ва бурж деворлари аввало пахсадан, кейин квадрат хом ғишт билан қурилган. Гиштларнинг ўлчами 40x40x10 см тенг[2]. Қалъа дарвозаси жанубий-шарқий девор ўртасида жойлпшган, икки бурчаги тўғри бурчакли бурж билан қучайтирилиб, унинг ҳажми 5x8м. Мудофаа девори ва буржлари найза ўқи учли шинаклар билан мустаҳкамланган, уларнинг ички қисми кенглиги 1,20 см, ташки томондаги чиқиши эса 1,90 см[3]. Қалъа кичкинагина (0,81 га) бўлсада, фортификация нуқтаи назардан жуда мустаҳкам қурилган[4].

С.П.Толстов ва Я.Ғуломовлар Анқақалъани III-IV асрларга оид деб ҳисоблаганлар[5]. Сўнгги тадқиқотлар ёдгорликдан топилган сопол парчалари Кўйқирилганқалъанинг юқори қатламлари, Тупрокқалъа ва Аёзқалъа З ашёларига жуда яқинлигини кўрсатди. Шуларга асосланиб Анқақалъа Хоразмнинг I-III асрларга тааллуқли ёдгорлик деган хulosага келинди[6].

Анқақалъа атрофлари антик даврда очик ва ҳимояланмаган қишлоқлар билан ўраб олинган. Бутун воҳа қадимги Калтамиор каналидан суволовчи Бозорқалъа ва Жонбосқалъа тармоқлари орқали суғорилган. Анқақалъа эса ана шу дехқончилик худудларини ва у ердаги суғориш тизимларини ҳимоя қилиш мақсадида бунёд этилган ҳарбийлар горнizonи (казарма) бўлган.

Анқақалъадан 2 км шимолий-шарқда маҳаллий ҳалқ орасида “Тўпшахар” номи билан маълум бўлган Кўзикирилганқалъа жойлашган бўлиб Калтамиор канали ирмоқлари орқали суғорилган. Қачонлардир у икки қаватли бино бўлиб, унинг биринчи қаватигина яхши сақланиб қолган. Иморатдан шарққа томон 60 м масофада 7,50 м узунликда девор топилган, бу девор қўшалоқ бўлиб, вазифаси номаълумлигича қолмоқда. Топилган сопол парчалари I-III асрларга оидdir[7].

Унинг шимолий тарафида Бозорқалъа жойлашган бўлиб, у ҳам шу канал орқали сув билан таъминланган. Илк антик давридаги турли типдаги шаҳарлар орасида Амударёнинг ўнг қирғоқидаги анча эрта қурилган Бозорқалъа алоҳида дикқатга сазовордир. Шаҳар ҳаробалари қадимги катта “Узун уй” пастлиги ёнидаги текисликда жойлашган[8].

Бозорқалъанинг шимолий-шарқий томонида, яъни Калтамиор каналининг шимолга қараб чўзилган Бозорлари ирмоқлари бўйида Жонбосқалъа жойлашган. Яъни Султон Увайс тоғининг шарқий этагида, Ақчадарё ўзанидаги қияликда қурилган. Ёдгорликнинг режалаштирилиши тўғри бурчак шаклида 200x170 м, унинг деворлари яхши сақланиб қолган, тепалик устидан 9,5-10 метр кўтарилиб туради[9]. Шимолий девор марказида ягона дарвоза жойлашган бўлиб, бир неча айланма даҳлиз “Лабиринт” билан мустаҳкамланган. Иншоот тўғри бурчак шаклида, узунлиги 52 метр, кенглиги 20 метр, кириш қисми 3,5 метр, девордан ён томонга ўсиб чиқиши 18 метр лабиринт деворли йўлакга эга, девор баландлиги

қалъа девори билан тенг бўлиб, умумий майдони 0,1 га. Лабиринт девори ҳам маълум масофада жойлашган камон ўқи учли шинакларга эга. Қалъа девори буржларга эга эмас, лекин кўп сонли шинаклар борлигини кўриш мумкин[10]. Девор ва девор бурчакларидағи шинаклар бурж вазифасини бажарган. Шаҳар дарвозадан қарама-қарши томонга 30 метр кенгликда кўча ўтган бўлиб, бу шаҳарни икки маҳаллага бўлган[11]. Ҳар бир маҳаллада 200 га яқин турли ҳажмдаги уй хоналари жойлашган. С.П.Толстов қалъанинг бу тариқа иккига бўлинишини уруғ жамоасининг дуал асосида ташкил бўлганлигини кўрсатади, деб ҳисоблайди[12]. Қалъадаги кенг кўча қарама-қарши томонда жойлашган ибодатхонага олиб боради. Ёдгорлик ибодатхонага эга, лекин арқ мавжуд эмас[13]. Аркнинг бўлмаслигини С.П.Толстов шаҳар ҳокимлари оддий аҳоли каби яшаган бўлиши мумкин деб келтиради[14].

С.П.Толстов қалъани тўлиқ тасвирлаб беради, аммо қалъа ёнида, унинг дарвозаси қаршисидаги текислиқда жойлашган ва ғарбга анча узоқ чўзилиб борган қишлоқ ҳақида маълумот ёзмаган. Бу қишлоқ ўрнашган жойда уйларнинг тош ва паҳса пойdevорлари, кулолчилик печларининг қолдиқлари, ариқ излари ва бошқалар мажуд. Агар бу қишлоқни қалъа билан таққосласа, худуднинг асосий аҳолиси қалъадан ташқарида яшаганлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин[15]. Я.Ғ.Гуломов фикрича қалъада яшовчилар сони тахминан ҳисоблаб чиқилса, уни ҳимоя қилувчилар сони жуда озчиликни ташкил қиласи ва юзаки қарашда шинакларнинг сони қалъани ҳимоя қилувчилар сонига мувофиқ тушмагандай кўринади. Бироқ, қалъадаги жанг қилишга қобил аҳолига унинг атрофида яшовчилардан озгина ҳимоячилар келиб қўшилса, Жонбосқалъанинг мудофаа тизими тўла тушунарли бўлади. Ҳарбий ҳаракатлар вақтида ён атроф аҳолиси ўз чорваси ва мол-мулкини олиб қалъада жон сақлаганлигини тарихий адабиёт ва ҳалқ оғзаки ижодиётида ҳар доим учратиш мумкин. Демак, қамал қилинган вақтларда Жонбосқалъани ҳимоя қилувчилар сони талаб қилингандан ҳам кўпроқ бўлган ва шунга мувофиқ равишда ҳарбий ҳаракатлар вақтида ён атроф аҳолиси ўз чорваси ва мол-мулкини олиб қалъада жон сақлаган ва мустаҳкам қалъа мудофааси ташкил этилган. Қалъа милоддан аввалги IV-III асрларда бунёд этилган бўлиб, яъни Жонбосқалъада милоддан аввалги IV милодий I асрлардаги кангюйлар маданиятини кўрамиз[16].

Жонбосқалъанинг шимолий қисмида, қадимги Оқчадарё ҳавзасининг Қизилқум билан чегара худудида Кўрғошинқалъа жойлашган. С.П.Толстов ёдгорликни дастлаб кушон даврига[17], кейинроқ қанғуй даврига тегишли деб ҳисоблаган эди[18]. Кейинги тадқиқотлар ушбу фикр тўғрилигини кўрсатади[19].

Ёдгорлик тархи тўғри бурчак шаклида қурилган 132x89 метр. Қалъа икки қаторли девор билан ўраб олинган бўлиб, айрим жойларнинг баландлиги 14-16 метр. Мудофаа деворлари

икки хил ярим айлана ва тўғри бурчакли буржлар мавжуд. Буржларнинг жойлашиши турлича майдонни ҳосил қилган. Кириш жойи жанубий-шарқий деворнинг ўртасида бўлиб, тўртбурчак шаклдаги пешдарвоза иншоот билан ҳимояланган[20].

Кўргошинқалъага Бозорқалъа канали сувининг охирги ирмоқлари етиб борган бўлиши мумкин, чунки Жонбосқалъанинг шимолий худудларида канал излари тугайди. Катта Қирқиз каналида ҳам сув етишмаганлиги туфайли III- IV асрлар охирида атрофидаги қишлоқлар бўшаб қолган[21].

Амударё ўнг соҳилидаги иккинчи йирик канал Тозабоғёб канали бўлиб, жанубда Шўрахон атрофига жойлашган. Тозабоғёп каналидан чиқарилган қадимги Тупроққалъа ва Қирқиз каналлари бошланғич қисмдаги муҳим стратегик нуқтада Катта Гулдурсин ёдгорлиги жойлашган бўлиб, воҳанинг сув режими ва хавфсизлигини таъминловчи иқтисодий – маъмурий марказ вазифасини ўтаган. Қирқиз канали орқали сув билан таъминланган.

Катта Гулдурсин худудидаги Қирқиз каналидан яъни жанубдан шимолга томон 70 км узокликда Катта Қирқизқалъа ва ундан ғарбда Султон Увайс тоги тизимидағи баландлиқда Кичик Қирқизқалъа жойлашган. Катта Қирқиз режалаштирилиши тўғри бурчак шаклида, майдони 250x215 метр (5,37 га) бўлиб, кўшдевор билан ўраб олинган. Ташқи деворда бир-биридан 25-26 метр оралиқ масофада тўғри бурчакли миноралар жойлашган. Қалъага кирадиган жой шимолий-шарқий девор ўртасида жойлашган ва пешдарвоза иншооти билан мустаҳкамланган[22]. F.Ходжаниязов шаҳарни қазиш вақтида қўлга киритилган сопол буюмларга таяниб, ёдгорликнинг қурилиш санасини милоддан аввалги IV-III асрлар билан белгилаган[23].

Кичик Қирқиз – қалъа истеҳкомли бўлиб, ҳар хил тарҳга эга бир-бирига ёндашган ғарбий ва шарқий қисмдан иборат[24]. Ёдгорликнинг ғарбий майдони 0,42 шарқий қисми 0,22 га ни ташкил этади. Қалъага кириш дарвозаси ҳам шу томондан бўлган. F. Ходжаниязов ёдгорликнинг мазкур қисмини қангюй даври (IV-III асрлар) га оид деб ҳисоблади[25].

Кичик Қирқиз милоддан аввалги IV-III асрларда дехқончилик худудларини ҳимоя қилиш учун стратегик пунктдаги чегара қалъа сифатида барпо этилган. Унинг юзага келиши қалъанинг чегара пункти сифатидаги аҳамияти ошиб борганлиги билан боғлиқ бўлса керак. III-IV аср бошида сув етишмаслиги туфайли ёдгорлик бўшаб қолган[26].

Аёзқалъа комплексининг дастлабки археологик характеристикаси 1941 йилда С.П.Толстов томонидан берилади[27]. Аёзқалъа 1 ни II-IV асрлардаги тегишли аскарлар турадиган кушонлар горизони деб ҳисоблади. Я.Ғуломов Аёзқалъа 1 билан Аёзқалъа 2

да ҳаёт бир вақтда давом этган деб ҳисоблаб, Аёзқалъа 2 ни Аёзқалъа 1 ҳимоясининг асосини ташкил қиласиган ҳарбийлар горнizonи сифатида таърифлайди[28].

Аёзқалъа 1 ярим доира шаклидаги буржли баланд қўшдеворлар билан ўраб олинган. Қалъа бурчакларида икки буржнинг бир-бирига қўшилишидан характерли “Қалдирғоч думи”га ўхшаш шакл ҳосил бўлади. Бундай курилиш усулини фақат илк кушонлар қадимги Хоразмнинг ҳарбий истеҳком қурувчилари қўллаган[29].

Аёзқалъа 1 Хоразмнинг шимолий воҳа бўйича ҳокимлиги маркази бўлган, стратегик иншоотдир. Яъни, қалъа воҳани Султон Увайс тоғи ва Қизилқум томонлардан келадиган кўчманчи босқинчилардан ҳимоя қилиш учун қурилган[30].

Аёзқалъа комплексининг худуд жиҳатидан энг катта ёдгорлик бўлиб, майдони 4,5 га (260x180 м) [31] ни ташкил қиласиди. Қалъа икки қатор қўш девор билан ўраб олинган. Қалъа деворлари бутун параметри бўйича тўртбурчак шаклдаги буржлар билан мустаҳкамланган. Шахристонга кириш йўли ғарбий девор ўртасида бўлиб, 13x33 метр ўлчамдаги пешдарвоза истеҳкоми билан ҳимояланган[32].

Тупроққалъа каналининг шимолий ирмоқлари Қизилқалъагача етиб борган бўлиб, Қизилқалъа 65x63 метр ўлчамда (0,40 га) деярли квадрат шаклга эга. Унинг мудофаа деворлари анча яхши сақланган. Деворларнинг баландлиги баъзи жойларда ҳозир ҳам 13-16 метрга етади. Қалъанинг бутун ички кисми тор ва узун йўлакли, усти синч билан ёпилган кўплаб хоналардан иборат бўлиб, бу Қизилқалъанинг ҳарбий горнizonга мўлжаллаб қурилганлигини кўрсатади. С.П.Толстов ва Я.Ғуломовлар Қизилқалъада ҳаёт мавжуд бўлган вақтни I-IV асрлар ҳамда ўрта асрлар билан белгилайди[33].

Қизилқалъа шимолида, Султон Увайс тоғининг жанубидаги Аёзқалъа комплексидан 6 км ғарбда Бурлиқалъа ёдгорлиги жойлашган. Антик даврда Гавхура каналидан Қаватқалъа яқинида Бурлиқалъа томон сугориш иншооти қурилган. Бурлиқалъа ана шу воҳани ҳимоя қилиш вазифасини бажарувчи давлатнинг шимолий чегара қалъалари тизимиға кирган. Шаҳар мураккаб конфигурацияга (ташқи кўриниш) эга бўлиб, шимолий-шарқдан жанубий-ғарбга чўзиқ шаклда қурилган. Қалъанинг энг узун жойи 120 метр, кенг жойи эса 95 метрни ташкил этади. Ташқи деворда найзасимон шинаклари кўп. Аммо девор Жонбосқалъадаги сингари бурж ва минораларга эга эмас. Шаҳар дарвозаси қалъанинг шимолий қисмida жойлашган. Шаҳарнинг шимолий қисмida 5,2 x 5,9 метр ўлчамдаги қурилиш қолдиги сақланган бўлиб, С.П.Толстов уни диний маросимлар ўтказадиган бино – “оташгоҳ” ёки минорасимон иншоот деб номлаган эди. С.П.Толстов Бурлиқалъани милоддан аввалги IV – милодий I асрларга[34], Я.Ғуломов эса сўнги қанғуй даврига оид деб ҳисоблаган[35].

ХУЛОСА

Юқорида келтирилган ёдгорликлар Амударёning ўнг қирғоидаги қадимги дәхқончилик воҳасининг мустаҳкамланган йирик манзилгоҳлари бўлиб, бу воҳанинг шарқидаги магистрал канал ҳавзасида жойлашган. Амударёning ўнг қирғоидаги жойлашган антик даври ёдгорликлари Хоразм воҳасининг ижтимоий-иктисодий ва маданий ҳаётини ўрганишда муҳим ўрин тутади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Қиличев Т. Кўхна қалъалар диёри. Т., Фан, 1993. 73-Б.
2. Толстов С.П. Древний Хорезм. М., 1948. С.114.
3. Собиров Қ. Хоразмнинг қишлоқ ва шаҳарлари мудофаа иншоотлари. Т., Фан, 2009. 52-Б.
4. Ходжаниязов Г.К. Анкакала – позднеантичная крепость древнего Хорезма // Вестник ККО АН РУз. Нукус. 1986. №1. С.57.
5. Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта. М., 1962. С.117-118.
6. Ходжаниязов Г.К. Анкакала – позднеантичная крепость древнего Хорезма // ВКФ АН РУз. №1. Нукус. 1986. С.57-64.
7. Ходжаниязов Г. Қадимги Хоразм мудофаа иншоотлари. Т., 2007. 56-57-Б.
8. Гуломов Я.Ф. Хоразмнинг сұғорилиш тарихи. Т., 1959. 81-Б.
9. Толстов С.П. Древний Хорезм. М., 1948. С.88.
10. Собиров Қ. Хоразмнинг қишлоқ ва шаҳарлари мудофаа иншоотлари. Т., Фан, 2009. 44-Б.
11. Толстов С.П. Древний Хорезм. М., 1948. С.93.
12. Исмоилов С. Қадимги Хоразм қалъалари. Т., 2007. 33-Б.
13. Собиров Қ. Хоразмнинг қишлоқ ва шаҳарлари мудофаа иншоотлари. Т., Фан, 2009. 44-Б.
14. Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. Т., Фан, 1964.
15. Гулямов Я.Г. История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. Тошкент., Изд-во АН Уз, 1957. С.80.
16. Толстов.С.П. По следам древне Хорезмской цивилизации. М., Наука, 1948. С.145.
17. Толстов. С.П. Древний Хорезм. М., Наука, 1948. С.111.
18. Толстов. С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта. М., 1962. С.117.
19. Коляков С.П. Раскопки крепости Кургашин кала // Новые открытия в Приаралье. Вып.1. М., 1991. С. 90-124.
20. Ходжаниязов Г. Обронительные сооружения Кургашин калы // Археология Приаралья. Вып.2. Тошкент., Фан, 1984. С.39.

21. Гулямов Я.Г. История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. Ташкент., Изд-во. 1957. С.109.
 22. Ходжаниязов Г. Большой Кырккиз кала (к вопросу о функции и хронология) // Вестник ККО АН Р Уз. Нукус, 1997. №3. С.26.
 23. Ходжаниязов Ф. Қадимги Хоразм мудофаа иншоотлари. Ташкент., 2007. 30-31-Б.
 24. Герман А.Н. Работы в крепости Малый Кырккиз // АО 1985. М., Наука, 1987. С.590-591.
 25. Ходжаниязов Г. Горадаще Малый Кырккиз кала – памятник раннеантичного Хорезм // Археология Приаралья. Вып. 4. Ташкент., Фан, 1990. С.82-91.
 26. Гулямов.Я.Г. История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. Ташкент., Изд-во. 1957. С.109.
 27. Толстов.С.П. Древности Верхнего Хорезма. Москва., Наука, 1941. С.166-171.
 28. Гулямов.Я.Г. История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. Ташкент., Изд-во. 1957. С.102.
 29. Фуломов Я.Ф. Хоразмнинг сұғорилиш тарихи. Ташкент., 1959. 108-Б.
 30. Толстов С.П. Древний Хорезм. Москва., 1948. С.104.
 31. Ўша асар 103-Б.
-
32. Ходжаниязов Г. Новые данные об оборонительных сооружениях Аяз калы // Вестник ККО АН РУз. Нукус, 1987. №4. С. 102-103.
 33. Толстов С.П. По следам древнехорезмийской цивилизации. Москва., 1948. С.168. Я.Гулямов. История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. Ташкент., Изд-во. 1957. С.109.
 34. Толстов. С.П. По древним дельтам древнехорезмийской цивилизации. Москва., 1948. С.101.
 35. Я.Гулямов. История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. Ташкент., Изд-во. АН Уз 1957.
 36. Очилдиев, Ф., & Хайдаров, З. (2022). Кеш ва Шаҳрисабз археологияси: КАТЭ тадқиқотлари. *Общество и инновации*, 3(2/S), 79-86.
 37. Очилдиев, Ф. (2022). XIX асрнинг иккинчи ярми–XX аср бошларида Бухоро амирлигининг қўшни хонликлар билан савдо алоқалари. *Общество и инновации*, 3(3), 18-23.